

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АРТИКОВА МАХФУЗА РАВШАНОВНА**

**МЕДИАМАТНДА ПРЕЦЕДЕНТ ФЕНОМЕНИНИНГ**  
**ЛИНГВОМАДАНИЙ АСПЕКТИ**  
**(ўзбек ва испан газеталари мисолида)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Филология фанлари бўйича (PhD) диссертацияси автореферати  
мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of Doctor Philosophy (PhD) on  
Philological Sciences**

**Артикова Махфуза Равшановна**

Медиаматнда прецедент феноменининг лингвомаданий аспекти (ўзбек  
ва испан газеталари мисолида) ..... 3

**Артикова Махфуза Равшановна**

Лингвокультурологический аспект феномена прецедентности в  
медиатексте (на примере узбекских и испанских газет) ..... 25

**Artikova Makhfuza Ravshanovna**

The Linguocultural Aspect of the Precedent Phenomenon in the Media Text  
(on the example of Uzbek and Spanish newspapers)..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 52

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АРТИКОВА МАХФУЗА РАВШАНОВНА**

**МЕДИАМАТНДА ПРЕЦЕДЕНТ ФЕНОМЕНИНИНГ**  
**ЛИНГВОМАДАНИЙ АСПЕКТИ**  
**(ўзбек ва испан газеталари мисолида)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Fil1790 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.uzswlu.uz](http://www.uzswlu.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Тешабаева Дилфуза Мўминовна**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Носиров Абдурахим Абдимуталипович**  
филология фанлари доктори, доцент

**Жўраев Абдуназар Хатамназарович**  
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),  
доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат шарқшунослик университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ кuni соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21-А уй. Тел.: (99871) 230-12-91, факс: (99871) 230-12-92, e-mail: [uzswlu\\_info@mail.ru](mailto:uzswlu_info@mail.ru))

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21-А уй. Тел.: (99871) 230-12-91, факс: (99871) 230-12-92.)

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ кuni тарқатилди.  
(2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси.)

**Г.Х. Боқиева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол. ф.д., профессор

**Х.Б. Самигова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д. доцент

**Ж.А. Якубов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида медиаматнларнинг психолингвистик, этнолингвистик, социолингвистик, лингвокультурологик аспектда тадқиқига бўлган эътибор кучаймоқда. Россия, АҚШ ва Европа давлатларидаги мавжуд илмий мактабларда медиалингвистикага доир дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг яратилиши, замонавий масс-медиянинг жадал ривожланиши билан ОАВ нафақат ахборот алмашиш воситаси, балки индивид онгининг ажралмас қисми бўлган маданият феноменини акс эттирувчи манбага айланди. Ахборот маконининг дунё миқёсида кенгайиб бориши билан медиаматнлар, уларнинг таъсир доираси, умуминсоний аҳамияти ҳамда лингвомаданий ўзига хослигини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Дунё тилшунослигида медиа тили, унинг замонавий тенденциялари, ахборот орқали борликни қабул қилишдаги лисоний хилма-хилликни ўрганишга бағишланган тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Медиа тилига доир тадқиқотлар кўламининг кенгайиб бориши газета матнида баҳолаш усулининг қўлланилиши билан боғлиқ бўлган прецедент феноменини илмий асослаш, медиаматнларнинг жамиятда кечаётган воқеа-ҳодисалар асосида яратилиши, инсон онги, унинг маданиятига таъсир этишдаги муҳим аҳамиятини очиб беришни тақазо этади. Бу эса жаҳон тилшунослигида тил ва маданият тушунчаларини медиа тилида яхлит ҳолда тадқиқ этишнинг назарий асосларини белгилаш заруриятини вужудга келтиради.

Мамлакатимизда ОАВнинг нафақат лисоний жараёнларга таъсир этувчи объектив омили, балки миллий тилнинг замонавий модели сифатидаги мақоми адабий лексика билан доимий таъсирлашув асосида кучайиб бормоқда. Зеро, «...халқ билан мулоқот, одамларнинг орзу – интилишлари, дарду ташвишлари билан яшаш давлат сиёсати даражасига кўтарилаётган бугунги кунда ҳар бир оммавий ахборот воситаси чинакам мулоқот майдончасига, эркин фикр минбарига айланган тақдирдагина биз ўз олдимизга қўйган мақсадларга эриша оламиз»<sup>1</sup>. Шу маънода медиаматнларда халқ турмуш тарзини лисоний бирликлар орқали ёритилишининг лингвистик жиҳатларини ўрганиш, прецедентлик феноменини ўзбек ва хорижий, жумладан испан газета матнлари мисолида лингвомаданий аспектда тадқиқ қилиш долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 5 июндаги

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларини касб байрами билан табриги. <https://daryo.uz/k/2017/06/27/>

ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация илмий натижалари муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бугунги кунгача ўзбек тилшунослигида медиа тилини ўрганишга бағишланган кўплаб илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Улар қаторида А.Абдусаидов, Г.Бакиева, Д.Тешабаева, Д.Худойберганова, Ё.Одилов, М.Исраил, С.Шомақсудова, С.Қурбонов, С.Қўнғуров, Ш.Усманова, А.Мирзажонов<sup>2</sup> каби олимларнинг илмий ишларини келтириш мумкин.

Испан тилшунослигида эса медиа тили Martinez Albertos, Lazaro Carreter, Alex Grijelmo, Nuñez Ladeveze, Santamaria<sup>3</sup> каби бир қатор олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Прецедент феномени рус тилшунослигида Н.С.Валгина, Д.Б.Гудков, В.Г. Костомаров, Н.Д. Бурвикова, Ю.Н. Караулов, С.В. Ильясова, О.В. Лисоченко, М.А. Соболева, Г.Г. Слышкин, Л.Д. Петрова<sup>4</sup> ва ҳ.к.

---

<sup>2</sup> Абдусаидов А. Газета жанрларининг тил хусусиятлари. Филол.фан.д-ри.дисс. – Самарқанд, 2005; Бакиева Г.Х., Тешабаева Д.М. Оммавий ахборот тили. – Тошкент: O'zkitobsavdo nashriyot, 2019; Бакиева Г.Х., Тешабаева Д.М. Медиамаконда матн. – Тошкент, 2019; Тешабаева Д.М., Бакиева Г.Х., Исраил М.И., Тошмухамедова Л.И., Нуритдинова М.Ч. Журналистика. III жилд. Медиалингвистика ва таҳрир. – Тошкент: Ozbekiston, 2019; Тешабаева Д.М. Оммавий ахборот воситалари тилининг нутқ маданияти аспектида тадқиқи (Ўзбекистон Республикаси ОАВ мисолида): Филол.фан.д-ри. дисс. – Тошкент, 2012; Тешабаева Д.М., Каюмова В.Ф. Специфика языка заметки // «Ўзбекистонда хорижий тиллар» илмий-методик электрон журнали. № 3. – Тошкент, 2014; Худойберганова Д.С. Ўзбек тилидаги бадий матнларнинг антропоцентрик талқини: Филол.фан. д-ри. дисс. – Тошкент, 2015; Shomaksudova S., Israil M. OAVda yozma matn. Nutq va munozara. – Тошкент: Iqtisod-Moliya, 2018; Қўнғуров Р., Бегматов Э., Тожиев Ё. Нутқ маданияти асослари. – Тошкент: Ўқитувчи. 1992; Одилов Ё. Глобаллашув даври публицистикаси тилининг тараққиёти. – Тошкент: Нодирабегим, 2020; Усманова Ш. Лингвокультурология. – Тошкент, 2019; Мирзажонов А.Х. Современное понимание медиатекста в условиях конвергенции СМИ // Global science and innovations 2020: Central Asia. – Нур-Султан, 2020.

<sup>3</sup> Martinez Albertos, El lenguaje periodístico. Madrid, Paraninfo, 1989; Lazaro Carreter, El idioma del periodismo, ¿Lengua especial?», en Asterisco Cultural, Publicación de la Fundación Germán Sánchez Ruipérez. – Madrid, 1990; Grijelmo Alex, El estilo del periodista. Madrid, Taurus, 2001; Nuñez Ladeveze, El lenguaje de los «media». Pirámide, Madrid, 1991; Santamaria, M. L.: El comentario periodístico. Los géneros persuasivos. – Madrid: Paraninfo, 1990.

<sup>4</sup> Валгина Н.С. Теория текста: Учебное пособие. – М., 2003; Гудков Д.Б. Прецедентные феномены в языковом сознании и межкультурной коммуникации: Дисс. ...д-ра. филол. наук. – М., 1999; Костомаров В.Г. Русский язык на газетной полосе. – М.: Изд-во Московского гос-го ун-та, 1971; Костомаров В.Г., Бурвикова Н.Д. Как тексты становятся прецедентным // Русский язык за

олимлар томонидан турли аспектларда ўрганилган. Ўзбек тилшунослигида Д.М. Тешабаева, Д.С. Худойбергано<sup>5</sup>лар прецедентлик муаммосига тўхталиб ўтишган. Бироқ ҳар икки мамлакат тилшунослигида ўзбек ва испан медиаматнларида прецедентлик феноменининг лингвомаданий хусусиятлари тадқиқот объекти бўлган эмас.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ И-204-4-5 рақамли «Докторантлар, мустақил изланувчилар ва талабалар ўртасида олиб борилаётган илмий-тадқиқот, илмий-ижодий ишлар» илмий лойиҳасининг «Тилшуносликнинг долзарб муаммолари» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўзбек ва испан газета матнларида прецедентлик феноменининг миллий-маданий хусусиятларини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ўзбек ва испан тилшунослигида прецедентлик феноменини босма медиаматн нуктаи назаридан тадқиқ этиш;

ўзбек ва испан матбуотида прецедентлик – precedente тушунчасини намоён бўлиш хусусиятларини аниқлаш;

чоғиштирилаётган тилларда прецедент бирликларни босма медиаматнда ижтимоий-сиёсий жараёнга боғлиқ экспрессивликни таъминловчи восита эканлигини асослаш;

ўзбек ва испан газеталаридаги прецедент ифода – precedente expresivанинг газета жанрлари билан боғлиқлигини кўрсатиб бериш;

прецедентлик – precedentенинг матн реминисценцияси сифатида журналист маҳорати билан боғлиқлиги ва этномаданиятда намоён бўлиш хусусиятларини ёритиш;

ўзбек ва испан газеталарида прецедент феномени – fenómeno de precedente турлари ҳамда ва уларнинг лингвомаданий жиҳатларини ўрганиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ўзбек ва испан газета матнларидаги прецедентлик феномени танланган.

---

рубежом. №1. – М., 1994; Караулов Ю.Н. Роль прецедентных текстов в структуре и функционировании языковой личности // Научные традиции и новые направления в преподавании русского языка и литературы. – М., 1986. – С. 98-107; Ильясова С.В. Инновации в функции заголовка (на материале современной публицистики) / Функционирование языка в различных речевых жанрах. Мат. Всерос. науч. конф. вып.3. – Ростов-на-Дону, 1997. – С. 12-14; Лисоченко О.В. Риторика: прецедентность в языке и в речи. – Ростов-на-Дону: Феникс, 2007; Слышкин Г.Г. Лингвокультурные концепты прецедентных текстов в сознании и дискурсе. – М.: Академия, 2000; Соболева М.А. Прецедентные феномены как составляющая языковой личности / Язык образования и образование языка: Мат. международ. науч. конф. – Великий Новгород: Изд-во НовГУ, 2000. – С. 287-288; Петрова Л.Д. Заголовок передовой газетной статьи как структурная единица и элемент строения текста// Язык и массовая коммуникация. – М., 1984. – С. 178-185.

<sup>5</sup> Тешабаева Д.М. Оммавий ахборот воситалари тилининг нутқ маданияти аспектида тадқиқи (Ўзбекистон Республикаси ОАВ мисолида): Филол.фан.д-ри. дисс. – Тошкент, 2012; Худойбергано<sup>5</sup> Д.С. Ўзбек тилидаги бадий матнларнинг антропоцентрик талқини: Филол.фан. д-ри. дисс. – Тошкент, 2015.

**Тадқиқотнинг предметини** ўзбек ва испан газета матнларида прецедентлик феноменининг лингвомаданий хусусиятлари ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот мавзусини ёритишда тавсифлаш, изоҳлаш, чоғиштириш, кросс-маданий таҳлил усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

прецедентликнинг ўзбек ва испан лингвомаданияти босма медиаматнларида эмоционал, экспрессив ҳамда нутқий таъсир қилувчи асосий восита сифатидаги лингвомаданий мақомининг миллий қадриятлар, маданий ва тарихий анъаналар билан боғлиқлиги очиб берилган;

чоғиштирилаётган тилларда прецедент ном – *nombramiento de precedente*, прецедент ифода – *expresiones de precedente*, прецедент матн – *texto de precedente* ҳамда прецедентлик ходисаси – *acontecimiento de precedente* каби прецедентлик феномени – *fenómeno de precedente* турларининг намоён бўлиши медиаматн экспрессивлиги, муаллиф маҳорати, мақсади, матн тузиш тамойиллари ва этикасига асосланиши исботланган;

прецедент ифода – *expresiones de precedente* тури ҳисобланган фразеологик бирликлар ҳамда паремияларнинг лингвокультурема сифатидаги мақоми ўзбек ва испан даврий журналистикасида прецедентлик – *precedentening* ахборий, таҳлилий ва бадий-публицистик жанрларда намоён бўлиш хусусиятларини аниқлаш орқали далилланган;

прецедентлик феномени – *fenómeno de precedente*, прецедент ном (ўзбек: 24%, испан: 20%), прецедент ифода (ўзбек: 54%, испан: 44%), прецедент матн (ўзбек: 8%, испан: 6%), прецедент ходиса (ўзбек: 14%, испан: 30%)нинг медиаматндаги салмоғи жанр хусусиятларини инобатга олган ҳолда аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

прецедентлик феноменининг медиаматнларда намоён бўлиши, улардан медиаматнларни тузишда фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

диссертация материаллари ва илмий хулосаларидан Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2019 йилда нашр этилган «Журналистика соҳасида 10 томлик қўлланма»нинг «Медиалингвистика ва таҳрир» номли китоби (3-жилди)да фойдаланилган;

прецедентлик феномени турларининг ҳар икки мамлакат газеталарида ишлатилишига доир хулосалари икки тилли луғат яратилишида муҳим манба бўлиб хизмат қилган;

тадқиқот натижалари 2013-2021 йиллар мобайнида оммавий ахборот воситалари тилига бағишланган бир қатор анжуман ва семинарлар, маърузаларда материал сифатида ишлатилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммонинг аниқ қўйилганлиги, тўпланган материаллар таҳлили асосида илмий асосланган хулосалар чиқарилганлиги, муаммога ўзбек ва испан газета тили ҳамда маданиятининг хусусий табиатидан келиб чиққан ҳолда ёндашилганлиги билан изоҳланади.



**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти чоғиштирилаётган тиллардан олинган таҳлиллар, яъни икки тил вакилларининг объект доирасидаги этник, ментал ва маданий хусусиятларига оид илмий хулосалар ва келтирилган фикр-мулоҳазалар коммуникатив тилшунослик, прагмалингвистика, психоллингвистика, социоллингвистика, лингвомаданиятшунослик, этнолингвистика, журналистика соҳаларига оид тадқиқот муаммоларини ёритишда илмий-назарий манба сифатида хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган назарий умумлашмалардан «ОАВ тили», «Медиа тили ва услуги», «Мамлакатшунослик», «Маданиятшунослик», «ОАВ таржимаси» каби фанларни ўқитишда, шунингдек, кўрсатилган фанлар бўйича маъруза матнлари яратиш, семинар машғулотларини ишлаб чиқиш ҳамда олиб бориш, дарслик, ўқув қўлланмаларни тайёрлашда амалий манба вазифасини ўташи билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбек ва испан медиаматнларида прецедент феноменини лингвомаданий аспектда тадқиқ этиш жараёнида олинган натижалар асосида:

прецедентлик ва унинг қўлланиш хусусиятлари, прецедентликнинг матн таъсирчанлигини оширишдаги роли, газета тилида намоён бўлиши бўйича хулосалар, аудитория билан ишлашда адресат яшаётган жамиятнинг миллий-маданий ўзига хослигини инобатга олиш муаммоларига тегишли материаллардан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Парламент ахборот маркази томонидан фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатасининг 2021 йил 17 майдаги 02/5-567-сон маълумотномаси). Натижада сиёсий ахборотлар матнини ёзишда аудиториянинг миллий-маданий билимларини ҳисобга олишга эътибор қаратилган;

ўзбек ва испан медиаматнларида прецедент феномени турларининг қўлланилиши, ҳар икки мамлакат маданиятидаги ўхшашлик ҳамда фарқларнинг газета матнида намоён бўлиши, прецедент турларининг лингвомаданий хусусиятлари таҳлили бўйича олинган илмий натижалар ва амалий таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2019 йилда нашр этилган «Журналистика соҳасида 10 томлик қўлланма»нинг «Медиалингвистика ва таҳрир» номли китоби (3-жилди)да фойдаланилган (Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг 2021 йил 18 майдаги 05-2099-сон маълумотномаси). Натижада медиалингвистиканинг тадқиқ объектлари, медиаматнга қўйиладиган талаблар билан боғлиқ ўринлар мукамаллашган;

оммавий ахборот воситалари матни билан ишлашнинг ўзига хос хусусиятларини амалиётга татбиқ этиш, ёш журналистлар ва таржимонларни тайёрлашда медиаматнларнинг лингвомаданий хусусиятларини инобатга олиш мақсадида диссертациядан олинган

мисоллар, илмий иш материаллари Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий кенгаши томонидан таржимага оид лойиҳаларни амалга оширишда қўлланилган (Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг 2021 йил 17 майдаги 04-13/919-сон маълумотномаси). Натижада ёш мутахассисларда таржимага тортилган матннинг миллий-маданий жиҳатларини ҳам ҳисобга олиш кўникмалари пайдо бўлган;

прецедент ифода тури ҳисобланган ибораларни таржима қилишнинг лисоний ва маданий ўзига хослиги, лексик бирликларнинг стандарт ҳамда таъсирчан хусусиятлари, прецедентлик феноменини намоён этадиган барқарор бирикмаларнинг миллий-маданий хусусиятлари, уларни таржима қилишнинг ўзига хослиги бўйича мисол ва хулосалардан Ҳайдар Алиев номидаги Озарбайжон маданият маркази лойиҳаси асосида 2019 йилда нашр қилинган «Озарбайжонча-ўзбекча ва Ўзбекча-озарбайжонча» луғатда фойдаланилган (Ҳайдар Алиев номидаги Озарбайжон маданият марказининг 2021 йил 12 майдаги 01/4-27-сон маълумотномаси). Натижада илмий натижалар татбиқи луғат сўзликларини бошқа тилдаги таржимада беришда лингвомаданий жиҳатларни эътиборга олишни таъминлаган;

прецедентлик феноменининг лингвомаданий аҳамияти, унинг жанрлар кесимида қўлланиши бўйича материаллардан, ўзбекча медиаматнлардаги анекдотларнинг лингвомаданий хусусиятларига доир хулосалардан Дунё Ёш Турк Ёзувчилари Ассоциацияси томонидан 2020 йилда амалга оширилган “Тилимиз борлиғимиздир: уни асрайлик ва ривожлантирайлик” инновацион лойиҳада фойдаланилган (Дунё Ёш Турк Ёзувчилари Ассоциацияси (Dunya Genc Turk Yazarlari birliyi)нинг 2021 йил 12 майдаги 20/021-сон маълумотномаси). Натижалар татбиқи ҳар бир тилнинг миллий хосланишини, таржима жараёнида лингвокультуремаларнинг эътиборга олинишини таъминлаган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 16 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 5 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий анжуманида маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 35 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 15 та мақола, шундан 14 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, асосий матн 124 саҳифани ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалари, тадқиқотнинг объекти ва предмети

шакллантирилган, илмий янгилиги, ишнинг илмий янгилиги, илмий ва амалий аҳамияти кўрсатиб берилган.

Диссертациянинг «**Медиамаконда «прецедентлик» ҳодисасининг илмий-назарий асослари**» деб номланувчи биринчи бобида газета тили назарий жиҳатдан таҳлил қилинган, шунингдек, мазкур бобда тилшуносликда «прецедентлик» атамасининг талқини ва унинг медиамакондаги роли, прецедент феноменининг матн реминисценция ҳодисаси сифатидаги аҳамияти кўриб чиқилган.

Жамиятдаги ижтимоий мафкуравий ўзгаришлар айнан ОАВ тилида бошқа манбалардан кўра тезроқ акс этади, унда янги тушунча ва идеологемалар фиксацияланади. Ю.В. Рождественский ОАВнинг энг муҳим социолингвистик жиҳатларини кўрсатган ҳолда «оммавий ахборот ижтимоий нутқий тузилмалари ҳар хил бўлган турли тил ҳамжамиятларини бирлаштирувчи глобал матндир»<sup>6</sup>, дея таъкидлайди. Бунда лингвистик нуқтаи назардан тушуниладиган тил тизимларининг фарқларига қарамай, оммавий ахборот маънонинг принципиал бирлиги ва мазмуннинг аниқ йўналишига эга бўлади.

Замонавий газеталар тил воситалари акс этган манба бўлиб, сўзлашув тили ўзгариб бораётган бугунги даврда доимий луғат вазифасини ҳам бажармоқда. Ҳар бир тил услубининг ўзига хос меъёрлари бўлиб, ахборот тили ҳам шулар жумласидандир. Гарчи газетадаги матнлар тили ўзаро фарқланса-да, уларнинг умумий ўзига хослиги мавжуд. Мазкур ўзига хослик эса газета матнининг кенг оммага мўлжалланганлигидадир.

Г.Х. Бакиева ҳамда Д.М. Тешабаева «Медиамаконда матн»<sup>7</sup> номли монографиясида бугунги кунда «ОАВ тили» тушунчасининг уч хил маънода қўлланилаётганини айтиб ўтишади, яъни 1) ОАВ яратган ва тарқатган барча турдаги матнлар мажмуи; 2) барқарор тилнинг ички системаси; 3) ОАВнинг ҳар бирига мос вербал ва аудиовизуал қисмларнинг мутаносиблигидан иборат алоҳида қоришма белгилар системаси.

Дарҳақиқат, ОАВ тили жумладан, «матбуот тили намунавий тил бўлиб қолиши»<sup>8</sup>, у ўзида ҳам стандарт, ҳам таъсирчан воситаларни жамламоғи даркор.

Испаниялик олима Pastora Moreno Espinosa масс-медиянинг жамиятдаги роли ҳақида «Медиа тили асослари» номли мақоласида шундай ёзади: «A lo largo de la historia, los mas media han desempeñado siempre una función social y un servicio público importante. De ahí que sea imprescindible que el periodista sea consciente del rol que cumple en la sociedad, rol que está presidido por la veracidad de las informaciones que transmite»<sup>9</sup>.

<sup>6</sup>Кривенко Б.В. Язык массовой коммуникации: лексико-семиотический аспект. – Воронеж, 1993. – С. 476.

<sup>7</sup> Бакиева Г.Х, Тешабаева Д.М. Медиамаконда матн. – Тошкент: Турон-Иқбол, 2019. – Б. 60.

<sup>8</sup> Абдусайдов А. Газета жанрларининг тил хусусиятлари. Фил. фан. д-ри диссер. – Самарқанд, 2005. – Б. 37.

<sup>9</sup> <http://www.revistalatinacs.org/a1999c/129pastora.htm> *Тарихда масс-медиа ҳамиша ижтимоий роль ўйнаган ва муҳим оммавий хизмат ҳисобланган. Бундан келиб чиқадики, журналистлар жамиятда*

Газета матннинг услубий ўзига хослигини аниқлаш ва тавсифлашда маълум бир матннинг умумий услуб қонуниятларини билиш алоҳида аҳамият касб этади.

Д.М. Тешабаева «Публицистика жамиятнинг сиёсий-мафкуравий соҳасига хизмат қилади. Даставвал ушбу услубнинг асосий функцияси сифатида тилнинг таъсир этиш хусусияти эътироф қилинарди. Лекин бугунги кунда ахборотнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни нақадар муҳим аҳамият касб этаётганига гувоҳ бўлаётимиз», деб таъкидлайди<sup>10</sup>.

А.Абдусайдов публицистик услуб бир вақтнинг ўзида ҳам консервативлик, ҳам ҳаракатчанлик хусусиятига эга экани, яъни бир томондан, етарли миқдорда қолиплар, атамалар учраса, иккинчи томондан, ўқувчини ишонтириш, унга таъсир этиш мақсадида янгидан-янги тил воситаларининг қўлланилишини айтиб ўтади<sup>11</sup>.

Маълумки, тил тизимини инсон омили билан боғлиқ ҳолда ўрганиш турли халқлар тилларининг миллий-маданий хусусиятларини очиб беришга хизмат қилади. Бу ўринда журналист матнида прецедентларнинг иштироки ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир.

Мазкур термин латин тилидаги *praecedens* (*praecedentis*) сўздан олинган бўлиб, олдиндан таниш деган маънони англатади<sup>12</sup>. «Синонимлар луғати»га кўра «прецедент» атамасининг синоними «илгари бўлиб ўтган», – деган маънони беради<sup>13</sup>.

Ю.Н. Карауловнинг прецедентларни матн сифатида ҳам кўриш зарурлиги ҳақида илгари сурган қараш ва хулосалари сабаб «прецедентлик»ка маълум бир жамият аъзоларининг хотирасидан жой олган адабий ёки ҳаётий воқеа ва ҳодисаларни тилда акс этиши сифатида қарала бошланди ҳамда мазкур масала бир қатор тадқиқотчилар ишининг объектига айланди. Юқорида номи келтирилган олим прецедент матнлар ҳақида билимга эга бўлиш тўғрисида шундай ёзади: «...прецедент матнларни билиш ўша миллат маданияти ҳақида тасаввурга эга бўлишдир. Аксинча, прецедент матнларни билмаслик эса бошқа маданият вакиллари билан ўзаро тушунмовчиликни келтириб чиқаради»<sup>14</sup>.

Тилшуносликка оид қомусий луғатда «прецедент» атамасига қуйидагича таъриф берилган: «маълум бир маданият гуруҳи учун қимматли,

---

*содир бўлаётган воқеалар хабардоридир ва улар ўзи тарқатаётган ахборотнинг ҳаққонийлиги учун ҳам жавобгардир (муал.тарж)*

<sup>10</sup> Тешабаева Д.М. Оммавий ахборот воситалари тилининг нутқ маданияти аспектида тадқиқи (Ўзбекистон Республикаси ОАВ мисолида). Филол. фан. д-ри дисс. – Тошкент, 2012. – Б. 70.

<sup>11</sup> Абдусайдов А. Газета жанрларининг тил хусусиятлари. Фил. фан. д-ри диссер. – Самарқанд, 2005. – Б. 37.

<sup>12</sup> Исторический словарь галлицизмов русского языка. – М., 2010. – Б. 208.

<sup>13</sup> Словарь синонимов. Прецедентный [http://dic.academic.ru/dic.nsf/dic\\_synonims/300910/](http://dic.academic.ru/dic.nsf/dic_synonims/300910/)

<sup>14</sup> Караулов Ю.Н. Роль прецедентных текстов в структуре и функционировании языковой личности / Научные традиции и новые направления в преподавании русского языка и литературы. Доклады советской делегации на VI конгрессе МАПРЯЛ. – М: Русский язык, 1986. – С. 106.

бирор миллатнинг тил бирликларига боғлиқ ҳолда кўп учрайдиган, миллат учун характерли бўлган тушунча деган маънони билдиради»<sup>15</sup>.

Ўзбек тилшуносларидан Д.С. Худойберганованинг қайд этишича, турли тизимли тилларда «прецедентлик» муаммосини антропоцентрик тадқиқ тамойиллари асосида ўрганиш, шубҳасиз мазкур категориянинг миллий-маданий хусусиятларини очиб бериш имкониятини яратади. Демак, прецедентлик ибораси антропоцентрик моҳият касб этади. Шунингдек, олима прецедентликни интертекстуаллик билан боғлиқ, унинг ичига кирувчи ҳодиса сифатида тушунтиради<sup>16</sup>.

Д.М. Тешабаева «газетада прецедентлик тушунчасига баъзан «ўтмиш» ҳамда «келажак» ўртасидаги «маданият кўприги»дир, прецедент матн вазифасини ўтовчи сўз ҳамда иборалар бугунги кунга дахлдорлиги билан бирга, қадимдан, ота-боболардан мерос бўлиб келадиган бўлиши ҳам мумкин», деб таъкидлайди<sup>17</sup>.

Бундан келиб чиқадики, прецедентлик бугунги кунда кенг тадқиқ этилаётган интертекстуаллик тушунчасининг намоён бўлиш шакллари билан бири бўлиб, нутқда қайта-қайта қўлланиши, омма хотирасидан чуқур ўрин эгаллагани билан характерланади.

А.Е. Супруннинг фикрича, прецедент матнга сўздан оқилона фойдаланиш ҳамда ўқувчиларга аллақачон таниш бўлиб улгурган прецедентлар ёрдамида ўз матнининг оригиналликни таъминлаш мақсадида мурожаат этилади<sup>18</sup>.

Келтирилган иқтибослардан маълумки, прецедентлик тилшуносликда ўрганила бошланганда унга матн сифатида қаралган, Бироқ номлар, сўзлар, сўз бирикмалари, мулоҳаза, гап ёки матн, яъни мақол ёки афоризмдан тортиб, эпосгача прецедент вазифасини ўташи мумкинлигини инобатга олсак, янги матнни яратиш жараёнида реминисценция сифатида аввалдан мавжуд бошқа матндан парча олиншининг ўзиёқ ўша матннинг қимматли эканлиги, яъни прецедентлигидан далолат беради. Демак, маълум турдаги номлар, ифодалар, ҳодисаларнинг ҳам халқнинг жамоавий хотирасида сақланиши боис прецедентларга матн эмас, балки феномен, деб қараш тўғри бўлади.

Қолаверса, прецедент феноменининг қўлланилиши, унинг ўзгаришга юз тутиши мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий ҳолатнинг ўзгариб бориши билан ҳам боғлиқ бўлиб, прецедентлик нафақат бадиий матнда, балки замонавий медиа тилида ҳам ўз ўрнига эга.

<sup>15</sup> Большой энциклопедический словарь. – М: Большая Российская энциклопедия, 2002. – С. 507.

<sup>16</sup> Худойберганова Д. С. Матннинг антропоцентрик тадқиқи. – Тошкент: Фан, 2013. – Б. 34.

<sup>17</sup> Тешабаева Д.М. Оммавий ахборот воситалари тилининг нутқ маданияти аспектида тадқиқи (Ўзбекистон Республикаси ОАВ мисолида). Фил. фан. д-ри диссер. –Тошкент, 2012. – Б. 125.

<sup>18</sup> Супрун В.И. Церковно-славянский текст в современном русском языковом сознании / Художественный текст: проблемы анализа и интерпретации. Тез. науч. конф. 12-13 января 1998 г. – Волгоград: Волгоградский муниципальный институт искусств им. П.А.Серебрякова, 1998. – С. 5-7.

## Медиамаатнда прецедентлик феномени гуруҳлари

| Прецедент феномени  |  |   |  |
|---|--|---|--|
| Прецедент ном   | Прецедент ифода                                      | Прецедент матн  | Прецедент ходиса   |
| тарихий шахслар, адабиёт намоёндалари, давлат ва жамоат арбоблари, спорт юлдузлари номи | шиорлар, ибора, мақол, матал, иқтибослар, афоризмлар | бадий, диний, илмий асарлардан, фильм, спектакль, мультфильмлардан парчалар | лингвомаданий жамият аъзоларига ҳеч бир изоҳсиз тушунарли бўлган воқеа-ҳодисалар |

Манба: Муаллиф томонидан тузилган

Диссертация ишида прецедент феномени тўрт гуруҳга ажратиб кўрсатилган (1 – жадвал). Мазкур гуруҳларга оид прецедент турлари газета матнида якка ёки бошқа тур билан бириккан ҳолда келиши мумкин. Жадвалда кўрсатилган прецедент турларининг медиамаатнларда қўлланиш ўрни ишнинг иккинчи ҳамда учинчи бобларида мисоллар ёрдамида таҳлил қилинган.

Тадқиқот ишининг «**Ўзбек ва испан газеталарида прецедент феномени**» деб номланган иккинчи бобида ҳар икки мамлакат газеталарида прецедент ном, ифода, матн ҳамда ходиса феноменининг қўлланилиш масалалари, жанр хусусиятлари, шунингдек, сарлавҳада прецедент феноменининг акс этиши кўриб чиқилган.

Ўзбек ва испан газеталарида прецедент феномени тил ва нутқ бирлиги сифатида матнда борлиқ манзарасини яратиш, баҳо бериш учун қўлланилади.

Шу ўринда, газета матнида прецедент номни қўллашдан асосий мақсад ахборотнинг ҳаққонийлиги ва ишончлилигини кучайтириш, миллат онгига сингган атоқли ном воситасида ўз материалининг обрўси ҳамда қимматини оширишдан иборат эканлигини ҳам таъкидлаш жоиз.

Ўзбек ва испан журналистлари дунёга машҳур бўлган шахслар номига тез-тез мурожаат этадилар. Фикримизча, ўзбек ва испан газета матнларида бу турдаги номларнинг берилиши оммага нутқий таъсир ўтказиш, ахборотни узатиш усуллари билан бевосита боғлиқдир.

Масалан, ўзбек газеталари матнида тарихий шахс номи: “...*Амир Тему*р билан фахрланиб, *Навоий* ҳақида “**Тему**р тиги етмаган жойни, Қалам билан олди **Алишер**” (Қашқадарё, 07.07.20); тарихий асар: “...*Улузбекнинг «Зи*ж»и ўрта асрлардаёқ *Осиё ва Европа мамлакатларида...*” (Маърифат, 17.05.14); йиллар: “*Ёшларнинг таълим ва тарбияси – обод турмуш пайдеворидир*” (Маърифат, 17.04.13); кинофильм: “*Хитойнинг Гуанчжоу шахрида ўтказилган тўй “маҳаллада дув-дув гап” бўлди*” (Даракчи, 3.11.11) номлари ва ҳ.к. қўлланилади.

Испан газеталари матнида эса тарихий шахс номи (ўзбек газеталарига нисбатан анча кам): “...para el centenario de **Cervantes**, pero no acepté...” (El país, 08.01.16); замонавий асар: “la nueva serie es '**Amanda Black. Una herencia peligrosa**', que se publica en la misma editorial” (ABC, 12.04.21); адабий қаҳрамон: “Coger el **Quijote** para leerlo no lo he hecho más” (El país, 08.01.16); кинофильм: “**Qué fue de los alumnos de 'Física o Química**” (El mundo, 28.12.20); спортчилар: “Los '**pelados**' de la política quieren golear como **CR7** en el Congreso” (ABC, 3.03.19) номлари прецедент сифатида кузатилди.

Чоғиштирма таҳлил натижаси шуни кўрсатдики, ўзбек ва испан газеталари матнида прецедент ифода энг кўп қўлланиладиган тур бўлиб, унда ҳар икки мамлакат журналистларининг адресатга таъсир кўрсатишдаги фарқи яққол кўринади.

Масалан, ўзбек газеталаридаги шиорларда улуғворлик, ижтимоийлик кучли бўлса: “**Энг улуг ва энг азиз байрамимиз – Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг...**” (Халқ сўзи, 8.12.11); испан медиаматнларидаги шиорлар шахсга йўналтирилганлиги: “El PNV está "**sorprendido**" y "**molesto**" por el lema electoral... **Trabajar. Hacer. Crecer**, que considera una copia del que los nacionalistas vascos presentaron en enero, **Hacer. Crecer...**” (El país, 04.10.15) ёки глобал характерга эгаллиги билан ажралиб туради: “..el lema “**Caminos que unen el mundo**”, el evento ha sido inaugurado por la presidenta de la Comunidad de Madrid” (ABC, 2.03.16) ва ҳ.к.

Ахборот узатишда аниқликка эришиш асосий тамойил бўлгани сабаб испан газеталари матнига айрим ҳолларда террористик ташкилотлар шиорларининг ҳам киритилиши кузатилди: “...Etta James que incluye la leyenda: “**Gora ETTA**”. “**Gora ETA**” (ABC, 2.03.16).

Иқтибослар борасида ҳам ҳар икки мамлакат журналистларининг ёндашуви турлича ҳисобланади. Яъни, ўзбек газеталарида прецедент феномени ҳисобланган иқтибослар, асосан, давлат раҳбари ҳамда мансабдор шахсларга тегишли бўлса: “**Адолат, адолат ва яна адолат...**” (Ш.Мирзиёев – муал.) (Халқ сўзи, 27.08.19); “**Фаолиятим давомида хаёлимдан тез-тез “Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?” деган савол ўтади»** (И.Каримов – муал.) (Халқ сўзи, 22.09.15); “**Тўй тўйдек бўлсин! Тўйимизни бузманглар, илтимос**” (Ж.Ортиқхўжаев – муал.) (Халқ сўзи, 21.05.21), испан газета матнларидаги иқтибослар аксарият ҳолларда хорижий мамлакатлар сиёсат ҳамда жамоат арбобларига тегишлидир: “**Siempre está abierto al debate sobre qué podría beneficiar a la región y la cuastión de la paz justa» dijo el primer ministro egipcio Essam Sharaf**” (El país, 15.09.11); “...durante un periodo de tiempo "**considerable**". "**Con los datos que tenemos ahora, no creemos que haya que bajar aún más los tipos en las próximas reuniones, pero los hechos pueden cambiar**", ha alertado Draghi...” (El país, 10.03.20).

Ҳар икки мамлакат газеталарида барқарор бирикмалар матн таъсирчанлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга: “...ҳар йигитларки, **тоғни толқон қиладиган, илмга чанқоқ, элим-юртим деб ёнадиган шижоатли авлод кўз ўнгимизда вояга етди**” (Халқ сўзи, 16.10.15); “**Табиб табиб эмас,**

**бошига тушган табиб**”, дейишади. *Шу маънода фильмда»* (Даракчи, 10.12.15); **“Илҳом Иброҳимов: “Дўстга зор, душманга хор, номардга муҳтож қилмаган”**, дейишади. *...Фарғонага отланаман. 47 ёшга кириб, ўз “қозигим”ни топдим»* (Даракчи, 11.08.11); **“Бир дўстим “Ойнинг ўн беши ёруғ, ўн беши қоронғи” деган гапни кўп айтади. Агар қўлимдан келганида ойнинг ўттизини ҳам ёруғ қилган бўлардим. Аммо...”** (Бекажон, 27.03.14); **“...pues la entidad tiene definida la filosofía de “no tener dos figuras para luchar por el mismo puesto”** (ABC, 29.02.16); **“...pero cuando me vi dentro fue como la primera vez y con mayor ilusión”**; **“Intentamos arroparles y que no den muchas vueltas a la cabeza”**; **“...nos dio alas y se vio en la semifinal y luego en la final...”** (El mundo 28.05.15); **“...a eso se le solía llamar principios. Pero tú sigue ciega tu camino”** (El mundo, 13.03.16); **“El Gobierno está jugando con fuego”**. (ABC, 12.03.16) ва ҳ.к.

Испан нашрларида учрамайдиган ўзбек газеталаридаги тенденция – бу ҳикматли сўзларнинг газета матнига киритилишидир: **“...Халқимизда “Меҳмон ўз оёғи билан келади, аммо мезбоннинг рухсати билан кетади”**, деган гап бор...” (ЎзАС, 11.02.11); **“Сен дўстингнинг кимлигини айт, мен сенга кимлигини айтаман”** деб бежиз айтилмаган, ахир» (Маърифат, 17.04.13).

Прецедент матн прецедент ном ҳамда ифодага нисбатан ҳажмининг катталиги сабаб газетада кам қўлланилади. Жумладан, ўзбек газеталарида куйидаги прецедент матнлар кузатилди: **“Масалан, Улуғбек ҳисоби бўйича бир йил 365 кун 6 соат 10 дақиқа 8 сонияни ташкил этади. Бугунги кунда бир йил 365 кун 6 соат 9 дақиқа 6 сонияга тенг. “Бу ҳақда сўз юритар эканмиз, беихтиёр 1996 йили Парижда ЮНЕСКОнинг ўша пайтдаги Бош директори Федерико Майор жаноблари билан бўлган бир суҳбат ёдимга тушади, - деб ёзади Президентимиз Ислон Каримов «Юксак маънавият – энгилмас куч» асарида. – Ўшанда ... мен унга қараб, йўқ жаноб Федерико Майор, Улуғбек хато қилган бўлиши мумкин эмас, балки компьютерлар хато қилган бўлиши мумкин, деган эдим”**. Истиқлол йилларида Мирзо Улуғбекнинг ҳаёти ва фаолиятини...” (Маърифат, 17.05.14); **“Hay páginas enteras del Quijote que no necesito leerlas para saber que hay añadidos que no son de Cervantes. Se dan casos gordos: “Levantada la arpillera, dijo Don Quijote de La Mancha: no se levante nadie...”**. Lo que escribió Cervantes fue: **“Levantada la arpillera, dijo Don Quijote: No se levante nadie”** (El país, 08.01.16).

Жамият аъзолари учун яхши таниш бўлган воқеа-ҳодисага ишора прецедент сифатида ўзбек ва испан газеталарида кенг қўлланилади. Бироқ ҳар икки мамлакат журналистлари прецедент ҳодисаларни матнга киритишда турлича ёндашувга эга экани кўриниб туради. Жумладан, ўзбек газеталарида учрайдиган прецедент ҳодисанинг катта қисмини мамлакатнинг мустақилликка эришганини такрорлаш ташкил этади: **“Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, асрий анъаналаримиз ва замонавийликни уйғунлаштирган...”** (Маърифат, 26.09.12); **“Меҳнати роҳатини кўраётган**



жамоамиз... *истиқлолимиз берган буюк неъмат*” (Халқ сўзи, 16.10.15) ва ҳ.к. Бугунги кунда амалдаги давлат раҳбари томонидан илгари сурилган ғоя – “учинчи Уйғониш даври” ҳодисаси ўзбек газеталарида прецедентлик хусусиятини касб этмоқда: “*Қадимги цивилизациялар сабоғи янги Уйғонишнинг маънавий асосидир...*” (Хуррият, 10.03.21).

Испан газеталаридаги материалларда берилган прецедент ҳодисалар асосан танқидий характерга эга ҳисобланади: “*La primera parte de la sesión del juicio del caso Nóos de este jueves ha estado centrada en las preguntas que la letrada de Manos Limpias, Virginia López Negrete, ha formulado... Nóos para la organización de los Valencia Summit se habían llevado a cabo*” (ABC, 3.03.16) ва ҳ.к.

Диссертация ишида ўзбек ва испан газеталарида учраган прецедентлар мазмун ва шаклига кўра турларга ажратиб ўрганилган (1 ва 2 – расмлар). Аммо шуни ҳам таъкидлаш жоизки, медиаматнда прецедентлар нафақат якка ҳолда, балки бирикиб ҳам келиши мумкин. Масалан, прецедент ном ва ҳодиса: “*Навоий Афғонистон, Эрон, Туркистон ҳудудларининг катта қисми таркибида бўлган Хусайн Бойқаро салтанатининг чекка ўлкаларида ҳам кўплаб карвонсарой-работлар қурган*” (ЎзАС, 11.02.11); “*...Felipe González tiene “el pasado manchado de cal viva”, que han hecho saltar los puentes de diálogo entre ambos partidos*” (El país, 3.03.16); “*Se echa de menos un Xabi Alonso que grite, mande y juegue*” (ABC, 29.02.16); ном ва ифода: “*Пайғамбаримиз (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳамма умматларига доимо енгиллик, осонлик истаганлар. Зеро, ояти каримада ҳам “Аллоҳ ҳеч бир жонга тоқатидан ташқари нарсани таклиф этмайди...”*” (Бақара, 2: 286) дейилган” (Сўғдиёна, 28.03.13); “*Según Obama “Vivimos en una global ... cuando tenemos problemas en Europa, esos problemas acaban llegando a nuestras”*” (ABC, 9.08.11) ва ҳ.к.



1-расм. Ўзбек газеталарида прецедент феномени



2-расм. Испан газеталарида прецедент феномени

Қолаверса, медиаматнларда прецедентнинг маълум тури яна бошқасига ишора қилиши ҳам кузатилди. Жумладан, прецедент ифода номга: “*Адолат, адолат ва яна адолат...*” (иктибос Ш.Мирзиёев номига), “*Ўзбекистон –*

*келажаги буюк давлат*” (шиор И.Каримов номига ишора беради); прецедент ҳодиса номга: “*Manos Limpias*” (Испания қироли ва унинг оиласи номига) ва ҳ.к.

1 ҳамда 2-расмлардан маълум бўладики, ҳар икки мамлакат газеталаридаги прецедентларнинг асосий қисмини (ўзбек: 54%, испан: 44%) прецедент ифодалар ташкил этади. Прецедент номларни қўллашда ўзбек газеталари етакчилик қилса (ўзбек: 24%, испан: 20%), прецедент ҳодисага муурожаат қилишда испан нашрлари илғор ҳисобланади (ўзбек: 14%, испан: 20%). Прецедент матнлар ҳажм жиҳатидан катта бўлгани боис, ҳар икки тилдаги газеталарда фоиз миқдоридан энг кам ўринни эгаллайди (ўзбек: 8%, испан: 6%).

Диссертация ишининг “**Ўзбек ва испан газеталарида прецедент феноменининг лингвомаданий хусусиятлари**”, деб номланган учинчи бобида прецедент феномени: ном, ифода, матн ва ҳодисанинг лингвомаданий табиати, юмористик жанрдаги матнларда прецедент ҳодисанинг хусусиятлари таҳлил қилинган.

Турли миллат вакиллари ўз маданий анъаналари, менталитетидан келиб чиққан ҳолда тилдаги сўзлар ҳамда ифодаларни ҳар хил қўллайди ва тушунади. Шу сабабдан ҳам бир хил матн турли маданият вакиллари томонидан фарқли талқин этилиш ҳолатлари ҳам учраб туради. Бу борада россиялик олима В.В. Джанаева прецедент феноменини тадқиқ қилар экан, ҳақли равишда “прецедент феноменлари вербал (прецедент ном ва прецедент ифода) ҳамда вербаллашган (прецедент матн ва прецедент ҳодиса)га ажралади, шунингдек, коммуникациянинг лингвокогнитив асоси ҳисобланади, яъни маданий ахборот ташувчи белгилар, когнитив базада мавжуд бўлган лингвомаданий жамиятнинг фундаментал қадриятларини акс эттиради, миллий характерни белгилайди”, – деган хулосага келади<sup>19</sup>.

Диссертация ишида, прецедент ном, ифода, матн ва ҳодисанинг лингвомаданий хусусиятлари ҳар икки мамлакат газета матнлари мисолида чоғиштирма таҳлили асосида прецедентларнинг қуйидаги миллий ўзига хослиги аниқланди.

Прецедент номлар: тарихий шахслар номининг тикланиши: “*Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Усмон Носир* каби миллий адабиётимиз намоёндалари қадрининг тикланиши” (ЎзАС, 25.01.11); ота-боболар номининг улуғланиши: “...*Соҳибқирон Амир Темур* халқимиз даҳосининг ана шундай ёрқин тимсолидир...” (Халқ сўзи, 17.10.15); тарихда ўтган аёлларга ҳурмат: “*Шоиралар мураббийи Жаҳон отин Увайсий, маърифатпарвар шоира Нодирабегим* ва доно маслаҳатчи *Бибихоним* каби оқила момоларимиз яхши тарбия кўрганлари боис...” (Сўғдиёна, 28.03.13).

Испан газеталари матнида ҳам миллий, тарихий аҳамиятга эга номлар кузатилди: “*Lluís Pasqual ha elegido el espejo de García Lorca para retratarse a sí mismo en su primer ensayo*” (El mundo, 05.03.16); “*En tiempos de Cervantes,*

<sup>19</sup> Джанаева В.В. Лингвокогнитивные основы коммуникации: инокультурные прецедентные феномены. Дис. ...канд. филол. наук. – Владикавказ, 2008.

*la parte editorial de la profesión...*” (ABC», 9.12.11); “*Esas que en tiempos de Colón decían que estaban demasiado lejos*” (ABC, 9.12.11). Бирок, испан журналистлари томонидан тарихий номларга “ҳазрат”, “даҳо”, “оқил”, “маърифатпарвар” каби таърифлар қўшилмайди. Шунингдек, испан газета матнларида мифологик қахрамонлар номи: “*El Valle del Jugete acoge la cabalgata y la recepción oficial de los Reyes Magos en España. Y para conseguir que todos ellos puedan saludar a Melchor, Gaspar y Baltasar antes de la noche más mágica del año...*” (ABC, 2.01.21) миллий хусусият касб этади.

Ҳақоратомуз лексикадан испан нашрларида фойдаланилиши шарқ хамда ғарб матбуоти ўртасидаги катта фарқни намоён этади: “...*como si fuese una escena de El lobo de Wall Street. ... «podrá arrebatarse los títulos» que lleva «con tanto orgullo de chulo putas, drogadicto, sinvergüenza, prepotente e inculto*”. (El mundo, 10.03.16); “*Das asco, lesbiana. Te deseo un tumor, eres la ruina de la familia. Sería mejor tener una hija drogadicta que lesbiana*” (ABC, 17.05.21).

Лингвوماданий ўзига хосликни юзага чиқаришда прецедент ифодалар, айниқса, муаллифнинг кучли “қуроли” ҳисобланади. Жумладан, ўзбек газеталаридаги иқтибосларда миллий маънавий: “*Расулulloҳ (с.а.в.): “Тамағирлик уламоларнинг қалбидаги ҳикматни кетказди” деганлар*” (Хордиқ, 22.12.11), ахлоқий: “*Кўп санъаткорлар “Саҳнада бошқа одаммиз, ҳаётда бошқа” дейишади*” (Даракчи, 25.08.11), тарбиявий: “*Кўнглимизда Ҳамид Сулаймон “панжасига панжа урган” заковатли Олимжон Давлатовга нисбатан миннатдорчилик туйғусини ҳис қилдик*” (ЎзАС, 4.02.11), ватан соғинчи: “*Ўзга юртда давлат қуриб, юрт сўраган Бобур Мирзо ҳам “ўз Ерни қўйиб, Ҳинд сори юзланмоқ”ни “юз қаролик” деб атаган эди*” (Даракчи, 15.08.13); ботиний: “*Хуришид Дўстмуҳаммад “Озод изтироб қувончлари” мақоласида ёзувчиларни “инсон қалбининг тадқиқотчилари”, деб атайди*” (ЎзАС, 18.02.11); адабий: “...уларнинг оҳанраболи сатрлари – “*болалик кунларимда, уйқусиз тунларимда...*” ёки ўсмир қалбининг мусаффо қўшиғидек янғровчи “*Водийларни яёв кезганда... чанпар уриб гуллаган богин... одамлардан тинглаб ҳикоя...*” мисраларини ёзган муаллифни севмаслик мумкин эмасди” (Хуррият, 24.02.21) жихатга эътибор қаратилса, испан газеталаридаги прецедент ифодаларда кишиларни черковдан четлатишга бўлган ҳаракат: “*Existe un proyecto para eliminar a la Iglesia de lo publico*” Antonio Canizares” (ABC 31.07.08), ишқий саргузаштлар: “*No estuve enamorada de Diana de Gales*” ex presidente frances” (ABC 27.03.10), коррупцияга қарши курашиш: “*Encuesta: “¿Quién crees que pagará los platos rotos de los casas de corrupción?”*” (ABC 25.03.10); бир жинсли муносабатларга доир иқтибослар: “*no es una historia de mujeres para mujeres; es una historia de seres humanos, y quiere ser también un homenaje a los hombres homosexuales que fueron perseguidos...*” (ABC, 23.05.21) (режиссёр Carmen Losадан иқтибос) бош планга олиб чиқилади.

Ўзбек газеталарида кўп ҳолларда диний манбалардан иқтибос берилади: “*Зеро, ҳадиси шарифда айтилганидек: “Ким Аллоҳга ва охирам*

